


Аллоҳ таолонинг валий бандаларидан бўлишимизга сабаб бўлувчи 10 та амал



18:00 / 03.02.2021 2997

Тўққизинчи амал

Аллоҳ таолони чиндан яхши кўрадиганлар билан ҳамсуҳбат бўлиб, уларнинг пурмаъно, ҳикматли гапларидан истифода олиш. Уларнинг олдиларида гапириш фойдали деб топилгандагина, ўзининг ҳоли яна ҳам яхшиланишига, бошқаларга манфаати бўлгандагина гапириш.

Солиҳларнинг суҳбатларида бўлиш кишига кўп манфаатлар келишига сабаб бўлади.

Аллоҳ таоло Қуръон Каримда яхшиларнинг суҳбатида бўлиш ва солиҳлар билан бирга ўтиришга тарғиб қилиб, шундай деб марҳамат қилган: «**Сиз ўзингизни эртаю кеч Парвардигорлари «юзи»ни истаб, Унга илтижо қиладиган зотлар билан бирга сабр қилишга унданг!**» (Каҳф сураси, 28-оят).

Ибн Касир раҳматуллоҳи алайҳ мазкур оятнинг тафсирида: «Аллоҳга зикр, таҳлил, ҳамд, тасбеҳ ва такбир айтиб, Аллоҳдан эртаю кеч ҳожатларини сўровчилар фақир ёки бой, кучли ёки кучсиз бўладими, улар билан бирга бўлгин, деган маъно тушунилади» дейдилар.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳнинг зикр аҳлини қидириб, йўлларда айланиб юрадиган фаришталари бор. Агар бирорта зикр қилаётган қавми топиб қолишса, «Излаган нарсаларингизга келинглари!» деб бир-бирларини чақиришади. Кейин улар буларни (зикр қилаётганларни) қанотлари билан дунё осмонигача ўраб олишади. Робблари Ўзи улардан яхши билса ҳам: «Бандаларим нима дейишяпти?» деб сўрайди. Улар: «Сенга тасбеҳ, такбир ва ҳамд айтишяпти, Сени улуғлашяпти», дейишади. У Зот: «Улар Мени кўришганми?» дейди. Улар: «Аллоҳга қасамки, йўқ, улар Сени кўришмаган», дейишади. У Зот: «Агар Мени кўрганларда, қандай бўлар эди?» дейди. Улар: «Агар Сени кўрганларида, Сенга янада қаттиқроқ ибодат қилишар, Сени янада қаттиқроқ улуғлашар ва Сенга янада кўпроқ тасбеҳ айтишар эди», дейишади. У Зот: «Улар Мендан нима сўрашяпти?» дейди. Улар: «Жаннатни сўрашяпти», дейишади. У Зот: «Улар уни кўришганми?» дейди. Улар: «Аллоҳга қасамки, йўқ. Эй Роббимиз, улар уни кўришмаган!» дейишади. У Зот: «Агар уни кўрганларида, қандай бўлар эди?» дейди. Улар: «Агар улар уни кўрганларида, унга янада ҳарисроқ, янада қаттиқроқ интилувчан ва янада кўпроқ рағбатли бўлишар эди», дейишади. У Зот: «Улар нимадан паноҳ сўрашяпти?» дейди. Улар: «Жаҳаннамдан», дейишади. У Зот: «Улар уни кўришганми?» дейди. Улар: «Аллоҳга қасамки, йўқ. Улар уни кўришмаган», дейишади. У Зот: «Агар уни кўрганларида, қандай бўлар эди?» дейди. Улар: «Агар уни кўрганларида, ундан янада қаттиқроқ қочган ва қаттиқроқ қўрққан бўлишарди», дейишади. У Зот: «Сизларни гувоҳ қилиб айтаманки, Мен уларни мағфират қилдим», дейди. Бир фаришта: «Уларнинг ичида фалончи ҳам бор, ўзи улардан эмас, бир юмуш билан келган, холос», дейди. У Зот: «Улар шундай суҳбатдошларки, уларнинг суҳбатдоши ҳам бахтсиз бўлмайди», дейди».

Муттафақун алайҳ.

Буни қаранг, солиҳлар мажлисида, зикр мажлисларида ўтирадиган кишилар мағфират қилинар экан. Шунинг учун ҳам шундай мажлисларни ғанимат билиш керак.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

- «**Жаннат боғлари ёнидан ўтсангиз сайл қилинг**», дедилар. Мен:

- «Жаннат боғлари нимадир?» дедим.

- «**Масжидлар**», дедилар».

- «Сайл нимадир?» дедим.

- «**Субҳаналлоҳи, вал ҳамду лиллаҳи, ва лаа илаҳа иллаллоҳу ва Аллоҳу акбар**», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади